

“Агробанк” АТБ акциядорларининг  
навбатдаги йиллик умумий  
йиғилишининг 2018 йил 20 июндаги  
36 - сонли баённомасига  
9 - сонли илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Кенгаши тўғрисида”ги  
Низомига киритилаётган  
қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

**1. Низомнинг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“11. Банк Бошқаруви аъзолари ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас”;

**2. Низомнинг 26-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“26. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлгандарнинг кўпчилик овози билан кабул қилинади. Банк Кенгашиниг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда банк Кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳакидаги қарорлар банк Кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан кабул қилинади”;

**4. Низомнинг 33-банди қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:**

Кенгаш аъзолари ўртасида вазифалар Кенгаш раиси томонидан тақсимланади. Кенгашининг ҳар бир аъзосига тўланадиган мукофот ва товон миқдори банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

“Корпоратив бошқарув тизими ва банк фаолиятининг молиявий натижаларининг холисона баҳоланиши натижаларига кўра Кенгаш аъзоларига мукофот тўланиши мумкин”.